

Педагогик техника ўқитувчи педагогик маҳоратининг таркибий қисми бўлиб, унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Ўқитувчи-тарбиячининг овози, мимикаси, жести, нутқи, нотиклиги, ташқи қиёфаси, манерасида эстетик хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади.

Овоз – мулоқот ўрнатиш воситаси. У майин, оҳиста, ёқимли, маълум даражада сирли, эмоционал ранг-бўёқларга бой бўлмоғи лозим. Гўзал овозни ўқувчилар қизиқиш, бутун вужуди, диққати билан узоқ ва чарчоксиз тинглайдилар. Бундай овозда “вокал мимикаси” ҳаракатга келади. Унинг динамик жиҳатлари бўлган интонация, тембр, ритм, вибрация ўқитувчи ишида муҳим ўрин тутати. Энг муҳими, овозда сохталик ва фальш бўлмаслиги керак.

Мимика – кайфият, ҳис-туйғу, фикрни ифода этишнинг ўзига хос санъати. Бу – мулоқот воситаси бўлган бош ҳаракати, кўз ифодаси, юз мушаклари ҳаракати ҳамда кулгу, табассум, қош ҳаракатларидир. Буларнинг ҳаммаси гўзал ва меъёрида бўлмоғи лозим. Масалан, бошни чайқаш маълум бир фикрни англатади. Ўқитувчининг кўзи ҳар доим ифодали бўлмоғи, болаларга меҳр-муҳаббатни ифода этиши, “қалб ойнаси” бўлиши, “маънавий қиёфанинг” бой ички дунёсини ифода этмоғи зарур.

Ўқитувчининг юзи – барча мимикалар ифодаси. У чиройли бўлмаслиги, аммо уни маънавий қиёфаси ёқимли ва гўзал қилиши мумкин. Юз доимо парвариш қилинмоғи лозим. Мимика маълум ҳис-туйғуни ифода этиши учун машқ қилиниб турилиши керак: бу турли маъно касб этувчи табассум тренинглари; “лаб ҳаракатлари” машқлари ва ҳ.к.

Жестлар – эмоционал ифода ва таъсир кўрсатиш воситаси. Қўллар ҳаракатга келганда ўқувчилар у ёки бу жестни тушунишлари лозим. Масалан: майин, равон ҳаракат – тинчланишни; кескин ва қатъий ҳаракат – талабчанликни; қўллар кесишуви – тугатиш кераклигини ифода этади. Ўқитувчига доимо дирижёрникига ўхшаган, тоза, озода, гўзал, парваришланган қўллар керак.

Ўқитувчи нутқи – ҳис-туйғу ва фикр ифодаси, таъсир этиш воситаси, ҳаракатга келтирувчи куч. Унда тингловчи учун бир қатор жараёнлар кечади: тартиб, диққат, фаоллик, тасаввур, фикр. Ўқитувчи сўзи мазмунли ва кўп қиррали, мафтункор, иродавий, таъсирчан бўлмоғи, ўқувчиларнинг нафақат ҳис-туйғуларига, балки уларнинг эстетик дунёсига ҳам таъсир этиши лозим.

Ўқитувчи нутқи – таълим ва тарбиянинг, жумладан, эстетик тарбиянинг воситаси. У тақлид этиш учун намуна. Бу нафақат эстетик, балки ақлий ривожлантиришнинг муҳим шарти, диққатни бошқариш, эстетик тасаввур ва тушунчаларни таркиб топтириш воситасидир.

Ўқитувчи – ўз нутқида ўзлигини тўлиқ намоён қилади: интеллектини, ҳис-туйғусини, иродасини, характери, темпераментини, филологик қобилиятини, эстетик-қадрий йўналганлигини, ўз фанига ва ўқувчиларга муносабатини.

Ўқитувчи нутқига қўйиладиган асосий талаблар:

- ўз предмети, ўрганилаётган объект, воқеликни чуқур билиш;
- айтиладиган фикр, мақсад ва вазифалар ҳақида ўз муносабатини билдириш;
- нутқнинг таркибий қисмларини кўзда тутиш: руҳлантириш, ишонтириш, маълумот бериш, чорлаш, ривожлантиришлардан бири етакчилиги остида;
- фикрнинг қизиқарли, ишонарли, исботланган, асосланган, мантиқли, тушунарли, изоҳли бўлишини, мазмуннинг кўرғазмали, индуктив, эмоционал бўлишини; ўқувчи шахсининг эстетик-эмоционал оламига – ҳис-туйғу, ички кечинма, тасаввурига таъсир этишни кўзда тутиш;
- ўқувчиларни ҳурмат қилиш ва уларга хайрихоҳлик билдириш кераклигини унутмаслик, уларнинг қизиқишлари ва истакларини ҳисобга олиш, жумладан,

эстетик эҳтиёжларини; уларнинг ёш-психологик хусусиятларини эса сақлаган ҳолда;

- дарҳол тингловчилар диққатини қўлга олиш ва уларнинг мативациясини қўллаб-қувватлаган ҳолда кейинги қизиқарли “учрашув” гўзал, эстетик мазмунга эга, ёрқин мисоллар ва далилларга бой бўлишини ваъда қилиш;
- эстетикани билишга бўлган қизиқишини рағбатлантирувчи турли усул ва воситалардан фойдаланиш;
- ўқувчилар хотирасида узоқ сақланиб қолувчи юксак эстетик даражадаги мисол, далиллар, уларнинг эмоционал-эстетик ассоциациясини уйғотувчи ҳаётий тажрибалари билан боғлиқ ҳолда баён этилаётган материал тушунарли, ёрқин, образли, эстетик жиҳатдан ўзига жалб этувчи бўлмоғи лозим;
- эстетик маъно касб этувчи драматик нутқдан, юмор, муболаға, истехзо, киноя, кескинлик, ҳазил, латифа, матал, мақол, ибора ва бошқа нутққа жило берувчи воситалардан фойдаланиш;
- гап, тушунчалар тузилишининг грамматик тўғри ва аниқ бўлиши; материалнинг ўқувчилар ёш хусусиятларига ва тайёргарликларига мос келиши; камсўзликни ва камгапликни тежаш; фикрнинг ўзига хос, оригинал бўлишига амал қилиш; ижобий ҳис-туйғу, эмоционал-эстетик ассоциация уйғотувчи нотиклик санъати, истиора, фольклор намуналаридан фойдаланиш;
- мавзу бўйича эстетик мазмунга доир иллюстратив материални намойиш этиш; ташқи жисмоний техниканинг эстетик воситалари, эмоционал воситалар (! ? ...), мимика, пантомимика, жест ва бошқалардан оқилона фойдаланиш;
- энг муҳими, ўқувчилар ҳар бир сўзнинг маъносини, суҳбат мазмунини тушунсин, ўқитувчининг нутқи уларни маҳлиё этсин ва қизиқтирсин;
- нафосат уларнинг онгига тўлақонли сингдирилиши учун сўз юритилаётган матн, унинг мантикий-эстетик маъноси ва образли-эстетик мазмуни синчиклаб ўрганиб чиқилиши зарур;
- ўқувчилар юзида жўшқинлик, қониқарли табассум, қувончли ифода бўлишига эришиш.

Ўқитувчининг **нотиклик санъати** – оғзаки нутқ маҳорати, ўқув-тарбиявий ишни, эстетик тарбияни самарали ташкил этишнинг муҳим шарти. Ўқитувчининг нотиклик санъати – бу сўзнинг ўз маъносига кўра жилва топиши, асосий фикрнинг секин-аста ёритиб борилиши, исботланиши, тасдиқланишидир. Бунда ўқитувчи нутқ техникасининг эстетик воситаларидан, яъни, интонация, талаффуз, пауза, бурилишлар, жестлар, мимика, кўз қараш, ибора, ҳазил, юмор ва бошқа ифодавий воситаларидан унумли фойдаланади. Ўқитувчи нотиклик санъатининг эстетик даражасига эришиши учун унга энг аввало, ўзига нисбатан ишонч бўлиши, ҳаяжонсиз ва зўриқишсиз суҳбат олиб бориши зарур.

Ўқитувчи нотиклик санъатига қўйиладиган асосий талабалар:

- нотиклик санъати назариясини билиш;
- назарияни амалиёт билан боғлай олиш;
- нотик эканлигига ишонч, эътиқод;
- баён этилаётган материални мавзуга, мақсадга қаратиш;
- тингловчилар ёши, тайёргарлиги, қизиқишлари, эҳтиёжларини, хоҳишларини ҳисобга олиш;
- нотиклик нутқининг ташқи эстетик характериға қўйиладиган талабни, жумла тузишда ўзига ишонч, топқирлик, оддийликни, тилнинг умумий меъёрларига путур етказмаган ҳолда аниқлик, далил, ҳақиқатни, тўғрилиқ, мажбурламаслик, сидқидилликни, бой нутқ воситаларини, мулоқот техникасининг эстетик воситаларидан фойдаланишни унутмаслик: овоз, тон, пауза, эмоционал белгилар, мимика, қараш, жест, манера, ўзини тутиш услуби, сўз бойлиги, ташқи қиёфа.

Ўқитувчининг **ташқи қиёфаси** – кийиниш, соч турмаги, ўзини тутиш услуби, сурати, қадам ташлаш – буларнинг ҳаммаси эстетик саботли бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчиларга

мақсадли таъсир кўрсатиш учун ушбу эстетик ифодавий воситалардан фойдалана олиши зарур. Шунинг учун ҳам у ўзининг ташқи эстетик қиёфаси устида ишлаши муҳим аҳамият касб этади.

Агар анатомик ва физиологик хусусиятлари хунук бўлса, ўзининг ноэстетик ташқи қиёфаси устида имкон қадар ишлаши керак. Ориқ ёки семиз ўқитувчи жозибали бўлмоғи лозим; бундан ташқари бундай ҳолатда костюм, дид, манера услуби, ўзини тутиши, пластика, жестлар ёрдам беради; чиройли қадам ташлаш, ўтириш, туришни ва бошқаларни машқ қилиш керак. Мана шундай тарзда ўқитувчининг ташқи қиёфаси шакллана боради. Албатта, ўқитувчининг ташқи қиёфасида ўзига хослик ва эстетик жозоба берувчи миллий ва ҳудудий хусусиятлар намоён бўлади.

Ўқитувчининг кийими ҳар доим тоза, озода, дид билан танланган, ўзига мос, жисмоний гўзаллигини кўрсата оладиган ёки қоматидаги камчилиқни яшира оладиган бўлиши керак.

Соч турмаги – замонавий, аммо камторона, сочлар ҳар доим тоза ва сарамжон ҳолда бўлади. Хатти-ҳаракат ва қадди-қомат, қадам ташлаш ҳақиқатда ҳам гўзал, ички ҳолат билан мутаносиб, оқилона ва албатта ўзини эркин тутиши лозим.

Ўзини тутиш – ўқитувчи хулқ-атвори услуби. Бу юриш, стулда ўтириш ва туриш, синфга кириш ва чиқиш, ўқувчиларга мурожаат этиш, уларни тинглаш, улар билан сўзлашиш. Масалан: табассум билан ёки “тиш орасида” гаплашиш; ёқимли, яхши, эркаланиб ёки калондимоғ, ёвуз қараш; майин ёки кескин, баланд овоз билан гапириш; оҳиста қўл, бармоқлар ҳаракати ёки кескин, қўпол жестлар; табиий ва оддий ёки сунъий ва сохта суҳбат. Бунинг ҳаммаси юксак эстетик даражада бўлиши лозим, чунки ўқувчилар ўқитувчининг хатти-ҳаракатини кузатадилар ва ўзлаштирадилар.

Эстетик элементлар, деталлар, усуллар ва жисмоний ҳаракатларни ўқитувчи гўзал, инсонларга хос қила олиши керак. У ўзига нисбатан максимал даражада эстетик талабчан бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам ўз ташқи эстетик қиёфаси, ўз педагогик техникасининг эстетик жиҳатлари устида ишлайди. Ўқитувчи ташқи эстетик қиёфасини машқ қилади, педагогик техниканинг эстетик хусусиятларини тарбиялайди. Шунинг ёдда сақлаш лозимки, ўқитувчи фаолиятидаги эстетик маданият ўқувчиларда эстетик фазилатларни тарбиялайди.

Педагогик техниканинг эстетик хусусиятларини амалиётга тадбиқ этган ҳолда ўқитувчи ўз йўриқномасини, ўқувчиларга эстетик таъсир кўрсатиш техникасининг методларини ишлаб чиқади.

Кўриб чиқилган ушбу масала ва педагогик техниканинг эстетик йўналишлари педагогик, ўқув-тарбиявий жараёнда муҳим роль ўйнайди, педагогик кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш таълим жараёни учун ўта муҳим ва зарурдир.